



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (11.948)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи тобора яқинлашмоқда. Тараққиётимизнинг нурафшон йўлини очиб берган бу буюк неъматнинг бебаҳо эканлигини ҳар биримиз юрак-юракдан ҳис этмоқдамиз. Аини кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида байрамни муносиб кутиб олиш учун қизгин тараддув бормоқда. Жойларда ўтказилаётган шодиёна байрам тадбирлари каттаю кичикнинг қалбига чексиз қувонч бағишламоқда.



ИСТИҚЛОЛ — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ



Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Яқкасарой туман ҳокимлигининг масъул ходимлари сўзга чиқиб, йиғилганларни яқинлашиб келаятган Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ тўйи билан муборакбод этиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилган бемисл ютуқлар, янгилашлар, жумладан ободончилик, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла тизимидаги ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, айниқса, бугунги кунда ёш авлод саломадлиги, таълим-тарбияси давлатимизнинг устувор вазифасига айланганлигини қайд этиб ўтишди.

Шундан сўнг саҳнада эстрада-цирк коллежи ўқувчилари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳамда бадий ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари ижросида янграган истиқлолимизни мадҳ этувчи дилбар куй-қўшиқлар, гўзал рақслар боққа ташириб буюрган меҳмонларнинг қалбига чексиз шодумонлик, кўтаринки руҳ бағишлади.

Маълумки, юртимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларимизда ҳавас қилса аргизулиб ибратли оила соҳиблари кўп. Ушбу тадбирда ҳам

туманда истиқомат қилаётган, 50 йил тотув турмуш қириб келаятган ибратли оилалар соҳиблари саҳнага тақдир қилиниб, Яқкасарой туман ФХДБ бўлими томонидан совғалар ва гуллар билан ёзозландилар. Байрамона безатилган боғ ҳудудида мустақиллигимиз йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида хикоя қилувчи кўргазмалар ва фотосуратлар намойиши каттаю кичикнинг эътиборини тортиди. Шодиёна руҳда ўтган байрам тадбиридан айниқса нуруний отахон ва онахонларнинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, шундай дорилмон кунларга етганларига шукроналар айтдилар.

— Мустақиллик туфайли юртимиз тинч ва обод, хонадонларимиз осойишта, — дейди ибратли оила соҳибни Муътабар ая Усмонбекова. — Бу кунларга етказганига шукр. Биз оғир дамлارни бошдан кечирганмиз. У кунларни эслаш оғир. Ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш керак. Ёшим етмишдан ошди. Мен 30 йил фаррош бўлиб ишладим. Юртимиз ободончилигига муносиб ҳисса қўшганимдан хурсандман. Меҳнатнинг таги роҳат деб бежиз айтилмайди. Меҳнатларим роҳатини кўриб элимиз эъзозиде, фарзандларим ардоғидаман.

Барчамиз учун буюк ва бебаҳо неъмат бўлган мустақиллигимиздан руҳланмаган киши бўлмас керак. — дейди «Ракат» маҳалласи фаоли Самижон Зуфаров. — Истиқлол туфайли юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларидан қизимиз қувнайди. Пойтахтимиз йил сайин гуллаб-яшнамоқда, яшармоқда. Маҳаллаларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб обод бўлмоқда. Ёшларимизнинг қилмиши бўлиб етишиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Она ва бола саломадлигига қаратилган катта эътибор — буларнинг барини Истиқлол шарофатидан деб биламан. Истардимки, Мустақиллигимиз, тинчлигимиз абадий бўлсин, юртимизни ёмон кўздан асрасин...

Айтиш жоизки, ёшларимизни давлатимиз тарихи, ундаги ўчмас сий-моллар, улуғ бобоқалонларимиз мероси билан янада яқинроқ таништириш, уларга юрт ва мустақиллик қадрини, тинчлик дея аталган неъматнинг моҳиятини аниқлашда бу каби маърифий-маданий тадбирлар ниҳоятда аҳамиятлидир.

Дилором ИКРОМОВА
Алексей Попов олган суратлар

**Мустақиллигимизнинг
20 йиллик байрами
арафасида чет эл
мамлакатларининг давлат
арбоблари, сиёсий-ижтимоий,
эксперт-таҳлилчи доиралари
вакиллари юртимизда
эришилаётган улкан
муваффақиятлар хусусида ўз
фикрларини билдиришмоқда.**

«ЎЗБЕКИСТОН — ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТДИР»

Латвиянинг Европарламентдаги депутати **Инесса Вайдере** Ўзбекистон қисқа тарихий давр мобайнида юксак ютуқларни қўлга киритганини қайд этди.

«Бугунги кунда Ўзбекистон саноат объектларини қуриш ва модернизация қилишда илғор технологиялардан фойдаланаётган, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этаётган, ўзининг келгуси тараққиётини таъминлаш мақсадида таълим тизимида ислохотларни изчил олиб бораётган, иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланиб бораётган салоҳиятли мамлакатдир», дея таъкидлади у, жумладан.

И.Вайдере хоним ўзининг Ўзбекистонга бир ой аввал қилган сафари чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги ажойиб ҳамда улуғвор тарихий иншоотларни кўриб, ҳайратга тушганини айтди.

— Мен Ўзбекистон бой сайёҳлик салоҳияти, ривожланган инфратузилмаси, хусусан, муҳташам ва замонавий халқаро аэропортларга эга эканлигига амин бўлдим, — деди у.

И.Вайдере хоним Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш борасидаги ўрни юқори баҳолар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келаятган ҳарбий зиддиятларни ҳал қилишдаги улкан ҳиссасини алоҳида қайд этиб ўтди.

У Ўзбекистоннинг афғон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ечиб бўлмастлиги борасидаги нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлади ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур жафокаш мамлакатда тинчлик ўрнатиш масаласини ҳал этишда унга қўшни давлатлар, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО иштирокида музокаралар ўтказишга оид ташаббусига ургу берди.

И.Вайдере хоним Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳақида ҳам тўхталиб, «трансчегаравий дарёларда Роғун ГЭСи каби улкан гидроиншоотлар қурилиши масаласи жуда диққат билан синчиқлаб ўрганишни талаб қилади», дея таъкидлади.

Унинг фикрича, бу сингари лойиҳалар ГЭСнинг атроф-муҳитга таъсири ҳақида ҳолисона баҳо бера оладиган мустақил халқаро экспертлардан ўтказилиши лозим. И.Вайдере хоним, шунингдек, Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёларида қурилиши мўлжалланадиган иншоотларнинг лойиҳа ишларини олиб боришда сейсмик хавфсизлик, тупроқ таркиби ва шу каби бошқа зарур омилларни инобатга олиш кераклигига эътибор қаратди.

Европарламент депутати И.Вайдере хоним бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаятган 20 йиллик шодиёнаси билан табриқлаб, юртимизда доимо тинчлик ва фаровонлик бўлишига тилақдош эканини билдирди.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг навбатдаги сайёр йиғилиши «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижросини ўрганиш яқунлари бағишланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ходимлари, вилоятдаги саноат корхоналари вакиллари иштирок этди.

• Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда таълим жараёнини такомиллаштириш ва сифатини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда таълим соҳаси мутасаддилари, илғор ўқитувчилар, услубчилар, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

• Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Оналар куйлаганда» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи яқундан.

• Фарғона вилоятининг Богдоқ туманида калава ип маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «FERGANA SPINNIG» кўша корхонасига чет эллик ҳамкорлар томонидан 450 минг АҚШ долларлик сармоя киритилди. Натижада корхонада ишлаб чиқариш ҳажми уч бараварга ортиши баробарида, махсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди. Жумладан, шу йилнинг ўтган беш ойида 1 миллиард 963 миллион сўмлик махсулот тайёрлашга эришилди. Шундан 366 минг АҚШ долларлик махсулот экспорт қилинди. Ҳозир корхонанинг 83 кишилик жамоаси йил охирига қадар 4 миллиард сўмлик махсулот тайёрлаш баробарида, экспорт салмоғини 1 миллион АҚШ долларига етказишга ҳаракат қилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Бразилияда сутэмизувчилар оиласига мансуб, фанга маълум бўлмаган ҳайвон турига дуч келинди. Мамлакатнинг Маказ шаҳридан топилган бу жонивор ташқи кўринишидан сичконга ўхшаб кетади. Катталиги бир неча сантиметр бўлган митти жонивор шох-шаббалар орасида кун кечиради. У ўссимликлар билан озикланади. Мутахассислар ушбу ноёб жониворга «Cerradomys goytasa» дея ном беришди. Ҳозир унинг пайдо бўлиши ва ҳаёт тарзи борасида тўлиқроқ маълумот тўплаш учун кузатувлар давом эттирилмоқда.

• Буюк Британия Миллий статистика божқармаси маълумотида кўра, жорий йилнинг июнь ойида мамлакатда ишсизлар сони яна ошган. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хусусан, мазкур даврда 24,5 минг киши ишсизлик мақомини олган ва мамлакатдаги умумий ишсизлар сони 1,52 миллион кишига етган. Экспертларнинг сўзларига кўра, ҳукумат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талафотларини бартараф этиш жараёнида янги иш ўринларини ташкил қилишга етарли эътибор қаратмаётгани ушбу салбий кўрсаткичларга сабаб бўлган.

• Конго Демократик Республикасида йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Мамлакатнинг Кисангани шаҳрида юз берган бу кўнгилсизлик 74 кишининг умрига зомин бўлган. Дастанла фалокатга йўлиққан ушбу «Boeing — 727» русумли лайнер бортида 112 нафар одам бўлгани маълум қилинган. Кейин эса йўловчилар сони 127 нафар эканлиги билдирилди. Аммо бу маълумот тасдиқланмади. Манбада қайд этилишича, фожиага ноқулай об-ҳаво, яъни самолёт кўнаётган вақтда ёғаётган кучли ёмғир сабаб бўлган.

• Боливияда ёзнинг ўртасида кучли қорбўрон содир бўлмоқда. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Кучли совуқдан қурбон бўлганлар сони ўттиз беш нафарга етган. Мамлакатнинг тоғли ҳудудларидаги аҳоли яшаш жойларига фақат ҳаво транспорти орқали бориш мумкин.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Юртим, қутлуғ тўйинг муборак!» мавзусида ўтказилган маърифий-маданий тадбир Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Қасб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари ва маънавият масканларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар ва интернет тармоғидаги жа-

ҳолат, оммавий маданият ва бошқа турдаги ёт гоғаларга қарши кураш самарадорлигини ошириш дастурлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЯҚКАСАРОЙ** туманининг барча маҳаллалари, мактаб оромгоҳларида Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислохотлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида ижобий натижаларга эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳам юқоридаги ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бундай чора-тадбирлар самараси ўлароқ 2000 йилда янги ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улуғи тўғрисида келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган имкониятлар, шарт-шароитлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш ушбу соҳанинг мукамил ҳуқуқий базасини шакллантиришга, қолаверса текширувчи органлар, текширувларнинг сонини кескин қисқартириш, корхоналарнинг ҳўжалик ишларига арилиши, халақит бериш ўрнига ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тизимини, тартиб-таомилни такомиллаштириш ва қўлайлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларни қўйидаги икки босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич, яъни мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичи бўлиши 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти назоратини бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиқиб соддалаштириш, сонини қисқартириш, авваламбор, қўнунчилик базасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Солиқ, Ҳўжалик процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги ва «Товар бозорларида монополиястик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»-ги қўнунлар қабул қилинди. Уларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролик, солиқ қўнунчилигига қатъий амал қилишлари, истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этишлари, рақобатчилик муносабатларида инсоф билан ёндашишлари лозимлиги, бу борада давлат назорати билан биргаликда уларга сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир нормалар акс эттирилди.

Шунингдек, ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, 1998 йил 19 ноябрдаги «Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»-ги ва 1999 йил 29 мартдаги «Янги ташкил этилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ўстидан банк ва солиқ назоратини қучайтириш тўғрисида»-ги Фармонлар ҳўжалик юритувчи субъектлар текшируви тизимини янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, назорат органлари фаолиятидаги параллелчилик ва тақрорлаш ҳолатларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувига йўл қўймаслик борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардири. Шунингдек, Вазирлар Маъҳаммасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори тадбиркорлик фаолияти субъектлари эркинлигини таъминлаш, текширишларга оид аудиторлик ҳулосаларининг тўғрилиги ва қўнун ҳўжатларига мувофиқлигини бўйича тегишли мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Иккинчи босқич, яъни 2000 йилдан ҳозирги кунгача

бўлган даврда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларини ривожлантириш ша-роитида назорат қилувчи давлат органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига ноўрин ёки ортқча аралаш-тиришларни кескин чеклаб қўйиш, бу билан эса тадбир-корларнинг қўнунларга қатъий риоя қилишларини таъ-минлаш билан боғлиқ ишлар амалга ошириб келин-моқда. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (2007 й.), «Тадбиркор-лик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида»-ги (2000 й.) ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғри-

Концепция: устувор вазибалар

**ҲўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

сида»-ги (2009 й.) қўнунлари қабул қилинди ва уларда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш, жумладан текширишларнинг режали, тегишли муддатларда, жиддий асослар мавжуд бўлсагина тай-инлаши, солиқ ва бошқа турдаги текширув маълум-отларини ошкор қилмаслик, шунингдек, махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларига доир нормалар белгиланди.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар фао-лиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини такомил-лаштириш, соддалаштириш, бу билан эса уларнинг эркинлигини тўлароқ таъминлаш мақсадида Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябр-даги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни яна-да қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида давлатимизда ҳўжалик юри-тувчи субъектлар назоратини такомиллаштириш, тек-ширувлар сонини қисқартириб бориш ва шу каби бир қатор ишлар, жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга адиля органларининг сафарбар қили-ниши, махсус текширувларни қайд қилиш китоблари-ни жорий этиш ўзининг ижобий самарасини берган-лигини қузатиш мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концепцияси»-да эътироф этил-ганидек, «... мавжуд қўнунларимизнинг қўнчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор му-носабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта қўриб чи-қиш зарур». Шунга биноан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан маъқуллан-ган «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиёт-ни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳа-сида мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-

тадбирлар Дастури»-нинг 20-бандида «Ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назо-рат қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қўну-нини янги таҳрирда тайёрлаш белгиланган.

Кўрсатилган Қўнунда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини яна-да такомиллаштириш, бу билан уларнинг фаолият эр-кинлигини таъминлаш, қўнунга тўлиқ амал қилаётган тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни кескин ка-майтириш билан боғлиқ қондаларни акс эттириш мақ-садга мувофиқдир. Қолаверса, Қўнунда ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун асослар рўйхатини замон талабларига мос равишда янгилаш, назорат тартибиде тақдирларнинг тартиб-таомилни батафсил ёритиб бериш, ҳўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятида аниқланган, эҳтиётсизлик ёки қўнун талабларини билмаслик оқибатида йўл қўйилаётган камчиликларнинг текширувлардан кейинги таҳлиллар натижасида сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш-га доир чоралар, шу билан боғлиқ бўлган қўнунчилик-даги зиддиятлар ҳамда бўшлиқлар билан боғлиқ так-лифлар ишлаб чиқиш, назорат органлари фаолият са-марадорлиги мезонларини янада такомиллаштиришга доир қондаларнинг акс эттирилиши бу соҳа-да кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги Фармойишда янги таҳрирда қабул қилиш назарда тутилган «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги Қўнун ва унда акс эт-тирилаётган масалалар тегишли халқаро ҳуқуқий ҳўжатлар талаб-ларига ҳам мазмунан мос келади. Жумладан, молиявий назорат бўйича халқаро ташкилот бўлими ИНТОСАИ томонидан ишлаб чиқилган бир қатор халқа-ро текширув-аудит стандартлари, «Молиявий ҳисобот-ларни тақдим қилиш» (IAS 1) халқаро стандартларида текширувлар ва аудитини амалга ошириш, ҳисоботлар-ни топширишда давлатлардаги тажрибаларни ўзаро мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратил-ган.

Шу билан бирга, бир қатор хорижий давлатлар қўнун-чилигида ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назоратида уларнинг ҳуқуқлари устувор-лигини таъминлаш алоҳида эътиборга молик масала эканлигини қузатиш мумкин. Жумладан, Россия давла-тининг «Давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти орган-лари назоратини амалга оширишда юридик шахслар ва яққа тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-сида»-ги Федерал Қўнунига биноан, давлат назоратини амалга оширишда яққа тадбиркор ҳуқуқлари устувор эканлиги нўқтаи-назаридан тегишли қондалар белги-ланган. Шунингдек, АҚШда барча давлат ва хусусий инспектор ҳамда аудиторлар учун ишлаб чиқилган маж-бурий текширув стандартларга амал қилган ҳолда те-гишли назоратни амалга оширишлари лозим.

Эътироф этиш жоизки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг Концепциядаги ҳўжалик юритув-чи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартиб-тао-милларини янада соддалаштиришга доир вазибалар билан ҳамоҳанглиги, ўз навбатида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг янада эркинлигини таъминлаш, улар фаолиятини янада рағбатлантиришда муҳим аҳамият-га эга ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги Қўнуннинг Концепцияда илгари су-рилган масалаларни қамраб олган ҳолда, янги таҳри-рда тайёрланиши ва қабул қилиниши, ўз навбатида ҳўжа-лик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишга оид тартиб-таомилларнинг янада соддалашуви ҳамда либераллашувини таъминлашга хизмат қилади.

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Амалдаги қўнун ҳўжатлари
мониторинги институти етакчи илмий ходими

Иқтисодиёт

ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»-ги Қарори асосида «Замона Рано» масъулияти чекланган жамияти хориждан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда маҳсулотларни махсус идишларда қадоқланган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ҳозирда ушбу жамиятда меҳнат қилаётган эл-лик нафар ишчи-хизматчи тайёрлаётган 15 тур-даги доривор ўт, шунча турдаги фиточай ва олти турдаги шифобахш ўсимликлар аралашган мах-сус чойлар, маҳаллий истеъмолчилардан ташқ-ари, қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаёт-гани диққатга сазовордир.

Корхона қошидаги 101 гектар майдонда до-ривор ўсимликлар етиштирилаётгани хом ашё-нинг узлуксизлигини таъминлаш билан бирга, сифати жиҳатидан экологик тоза маҳсулот, дея эътироф этилиб, жамиятнинг Халқаро сертифи-катни қўлга киритишида муҳим олим бўлди.

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

Замон билан ҳамнафас корхоналарда импорт ўрнини босувчи, экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг баробарида, аҳоли бандлиги ҳам таъминланаяпти.

«Хориж-қурилиш-технология» масъулияти чек-ланган жамияти мисолида кичик корхоналарнинг ўзига хос хусусиятига тўхталаш жоиз, унинг харидор талабига мосланувчанлиги, янги маҳ-сулот турларини ишлаб чиқаришга тезлик билан жорий эта олиши шундай томонлари сира-сига қиради. Бу ерда хорижий технологиялар самарали қўлланади.

МЧЖ ички бозорда энгил конструкцияли ва иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари иш-лаб чиқаришда етакчилардан саналади. Пено-бетон, пеноблок, пеноконтретант, қуруқ аралаш-малар бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Шу боис, буюртмалар йилдан йилга ор-тиб бораёпти.

Шуни таъкидлаш ўринлики, маҳсулотларни тай-ёрлашда технология жараёнларнинг пухта ба-жарилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани си-фатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бун-да малакали мутахассисларнинг тажриба ва би-лими қўл келмоқда. Пенобетон энгиллиги, ис-сиқни яқши сақлаши, ўрнатишда қўлайлиги ва албатта, узок муддат хизмат қилиши билан ха-ридоргирдир.

Корхонада доимий изланиш, ташаббускорлик туфайли яратилган кичик дастгоҳлар, айниқса тадбиркорларга қўл келмоқда. Ушбу технологик ускуна қуввати билан икки сменада 80 кубометр пенобетон ишлаб чиқариш мумкин. Патентлан-ган ва сифат сертификатига эга бу ускуналар жуда қисқа — уч ойда ўзини тўла қоплайди. Жум-ладан, кейинги пайтда МЧЖда қўллаб турдаги пеноблок ва плиткалар ишлаб чиқарилмоқда.

Жамиятда қўллаб қурилиш ташкилотлари ҳамда яққа тартибдаги мижозлар учун буюртмалар қисқа муддатларда тайёрланмоқда. Талаблардан ке-либ чиққан ҳолда корхона мутахассислари ха-ридорларга маҳсулотни жойида ўрнатиб бериш хизматини ҳам амалга оширмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЛИБОСЛАР

Ҳар бир соҳа кишининг ўзига хос қулай ва бежирим либослари бўлади. Худди шунингдек, тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларимиз ҳам ўз фаолиятларида эътиборга молик, ярашиқли либослар кийишга интилишади.

«Замирахон Фортуна-Люкс» хусусий корхонаси ана шундай бизнесмен аёлларимиз дидига мос, фаолиятига хос устки кийим-кечаклар тайёр-лашни йўлга қўйган. Тадбиркорлик ва ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш корхона диза-йнер-модельерларининг асосий принципи сана-лади. Шу боис ҳам мижозлар сафи йил сайин ортиб бормоқда.

— Биз маҳаллий ва импорт хом ашёдан фой-даланган ҳолда замонавий технологиялар асо-сида турли моделдаги либосларни яратамиз, — дейди корхона директори Замира Махметова. — Бунда, албатта ишбилармон аёлларимизнинг фаолиятини ҳисобга оламиз. Шу боис бўлса керак, чеварларимиз тикаётган костюм, юбка, кофта, пальто, шим ва бошқа устки кийимлар ўзига хос дизайни билан ажралиб туради.

Айни пайтда тадбиркор жамоа аҳли янги тур-даги маҳсулотларни тайёрлаш йўлида излан-моқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИДА

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёллар ва ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат таш-килотлари Миллий ассоциацияси ва Фу-қаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият юритаётган аёллар ва ёшлар йўналиши-даги ННТ, фаол жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябр-даги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси» жамоат ташки-лотлари, хусусан, ННТларни ривожланти-риш ва улар фаолиятининг самарадор-лигини оширишда туб бурилиш ясади.

Ингиллишда мазкур концепцияда фу-қаролик жамияти институтларини шакл-лантириш ва ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазибалар ва улар-ни амалга оширишда ННТларнинг иш-тирокани таъминлаш масалалари бўй-ича сўз борди. «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзе-бекистон Касаба уюшмалари федерация-си, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демок-ратик партияси фаоллари ҳамда турли ННТларнинг 2010-2011 йилларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

бўлимида берилган қўнун лойиҳалари «учинчи сектор» фаолиятини янги босқ-ичга олиб чиқиши шубҳасиз. Бунда ай-ниқса, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қўнун лойиҳаси кўпроқ аҳамиятга мо-лик. Яратилаётган мазкур ҳўжат ННТларнинг давлат сектори — маъму-рий-бошқарув идоралари билан мустаҳ-кам ва изчил алоқасини таъминлаб, ўзаро амалий ёрдам алмашинувини яра-тади. Назаримда, ННТлар ўз фаолиятининг барча босқичларида давлат ёрда-мини ҳис этиб турсагина, жамиятда сек-тор ўртасида барқарор мувозанат ўрна-тилади. Натижада олдимишга қўйган олий мақсадимиз — ривожланган фуқаро-лик жамиятини қуришга муваффақ бўламиз.

Давра суҳбатида «Ижтимоий шерик-чилик тўғрисида»-ги қўнун лойиҳаси — давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболли, «Мамлака-тимизда демократик ислохотларни яна-да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини шакллантириш концепцияси»-да ННТ фаолиятини такомиллаштириш ма-салалари, «Фуқаролик жамиятини шакл-лантириш ва ижтимоий шерикчиликни янада ривожлантиришда аёллар йўна-лишида фаолият кўрсатаётган ННТлар-нинг тажрибаси» мавзуларида маъруза-лар тингланди.

Тадбир сўнгида ЎзННТМнинг аъзо-лари томонидан давлат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерик-чиликни ривожлантиришга қаратилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қўнун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Азима ҚЎСОВА,
«Туркистон-пресс»



— Ушбу танловни ўт-казишдан қўзланган мақсад иқтидорли толиби илмлар-нинг олиб бораётган изла-нишларини рағбатлантириш орқали уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, — дейди «Ало-қабанк» бошқаруви раиси ўринбосари Умид Қўнобо-ев, — танлов ғолиблари ҳамда фикр юритар эканмиз, иқтисодиётнинг устувор йўналишларига бағишланган ишланмаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз, деб топилди. Айниқса, Тошкент Кимё-технология институти, Тошкент Давлат техника университети каби олий ўқув юрлари талабалари ижодкорлиги таҳсинга сазо-вордир. «Сув ўтини ўстириш-га ихтисослаштирилган иш-лаб чиқариш лабораторияси марказини ташкиллашти-риш», «Уй иситиш печлари-дан электр токи ишлаб чи-қариш, замонавий уларни лойиҳалаш» деб номланган лойиҳалар танловда ғолиб

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ТАЛАБАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилган «Талабаларнинг энг яқши инновацион лойиҳаси» танлови ниҳоясига етди. Очқ ақиядорлик-тижорат «Алоқабанк» сая-ҳаракати билан уюштирилган ушбу беллашувда республикамиздаги барча олий ўқув юрлари талабалари ва коллеждар ўқувчилари вакиллари ўз иқтидорларини намойён этишди.

деб топилди. «Табиий мах-сулотлар асосида ранг берув-чи моддалар ишлаб чиқар-иш», «Ҳазонларни қайта иш-лаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» деб ном-ланган ишланмалар ҳам из-ланувчан талабалар салоҳия-тидан дарак бериб турибди. Ғолиб деб топилган лой-иҳаларни амалиётга таътиб этиш мақсадида янги режа-лар белгиланди.

Аҳмад ОБИДОВ

ЖАТЛИК ПЛЕАСИР

ДУШАНБА, 18

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Кўч эртани». Т/с. 8.00 «Тадлинома» 8.40 ТВ - ананс. 8.45 - 9.45 «Манавият» дастури. 9.45 «Ички дуст». М/с. 9.55 «Икким» 10.00 ТелеТеатр: «От йилгаган томонда» 1-қисм. 10.40 «Саломатлик сирлари». 11.00 «Ахборот». 11.10 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с. 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.05 «Кўнгли қўшиқ истаиди». 12.55 «Икким». 12.55 «Ватанларвар». 13.40 «Истиқлол фарзандлари». 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ - ананс. 14.20 «Рангин дунё». 14.40 «Биз киммиз?». 15.00 «Икким» 15.05 «Олам ва одам» дастури: «Жангил Америка табиати».

Спорт

6.00 «Хайри тонг!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!» 6.30 «Баркамол авлод». 6.50 АНОНС. 6.55 «Спортчилар оиласи». 7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия». Мультифилм. 7.55 АНОНС. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 «Саломат бўлинг!» 8.50 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 09.45 «Хайт қўшиқ истаиди». 10.15 АНОНС. 10.20 «Саломат бўлинг!» 10.40 «Ахборот». 11.10 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 11.15 АНОНС. 11.20 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 11.25 «Хайт қўшиқ истаиди». 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультифилм. 13.30 АНОНС. 13.35 Велоспорт. Тур де Франс. 14.25 Самбо. Жаҳон чемпионати. 15.00 АНОНС. 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири. 17.00 Сув спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.55 «Икким».

21.50 Т/с «Таймс следствия». 17.40 «Фан ва таракоти». 18.00 «Пойтахт». 18.25 «Моҳит». 18.40 «Хайт филасофиси». 18.55 «Интеллектуал аукцион». 19.05 Миллий сериал: «Кайтар дунё». 17-қисм. 19.30 Тошкент тароналари. 19.45 «Телекурьер-маркет». 19.55 «АНОНС». 20.00 «Пойтахт». 20.25 «Уйларим». 20.30 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с. 96-қисм. 21.00 Тошкент тароналари. 21.15 «Телекурьер-маркет». 21.25 «АНОНС». 21.30 «Пойтахт». /рус/. 21.40 «АНОНС». 22.00 «Интервью». 22.10 «Кино SMS со звездами». 22.15 «Выкуп». Х/ф. 22.20 «Ахборот». /рус/. 23.55 «Бизнес-пойтахт». 00.00 «АНОНС». 00.05 Кўрсатувлар тартиби. 00.10 «Легенда о Зорро». Х/ф. /Премьера/.

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Кагановы». Родная дочь. Приемный сын». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 16.00 «АНОНС». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Ледяные миры». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

СЕШАНБА, 19

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким» 7.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиблари». 7.20 «Кўнгли қўшиқ истаиди». 7.25 «Сунги қиролча». Т/с. 8.00 «Ахборот». 8.35 ТВ - ананс. 8.40 - 9.00 «Манавият» дастури. 9.00 «Ички дуст». М/с. 9.10 ТелеТеатр: «От йилгаган томонда» 2-қисм. 9.50 Наманган вилоят телерадиоканпаси намойиш тадири. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 «Саломат бўлинг!» 8.40 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 10.20 «Ринг қироллари». 11.20 Футбол. Жаҳон кубоги. Авлар. Финал. 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультифилм. 13.30 АНОНС. 13.35 Велоспорт. Тур де Франс. 14.25 Самбо. Жаҳон чемпионати. 15.00 АНОНС. 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири. 17.00 Сув спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.55 «Икким».

Спорт

6.00 «Хайри тонг!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!» 6.30 «Баркамол авлод». 6.50 «Кўнгли қўшиқ истаиди». 7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия». Мультифилм. 7.55 АНОНС. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 «Саломат бўлинг!» 8.40 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 10.20 «Ринг қироллари». 11.20 Футбол. Жаҳон кубоги. Авлар. Финал. 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультифилм. 13.30 АНОНС. 13.35 Велоспорт. Тур де Франс. 14.25 Самбо. Жаҳон чемпионати. 15.00 АНОНС. 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири. 17.00 Сув спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.55 «Икким».

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла. Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

20.30 Сериал «Последняя встреча». 21.25 «Свидетели». 21.30 «Миллият мерос». 22.30 Сериал «Безумцы». 00.05 Худ. филм «Поворот». 01.40, 02.05 Худ. филм «Много шума из ничего». 03.05 Сериал «Спасите Грейс».

Россия

4.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «О самом главном». 10.00 «Вести». 10.30 «Местное время. Вести - Москва». 10.50 «Кулагин и партнеры». 12.00 Т/с «Таймс следствия». 13.00 «Вести». 13.30 «Местное время. Вести - Москва». 14.00 «Сенсация». Т/с. 15-қисм. 13.50 «Вести. Дежурная часть». 14.05 Т/с «Ефросиния. Продолжение». 15.00 «Вести». 15.30 «Местное время. Вести - Москва». 15.55 Т/с «Все к лучшему». 16.55 Т/с «Институт благородных девиц». 17.55 «Прямой эфир». 19.00 «Вести». 19.30 «Местное время. Вести - Москва». 20.00 «Спокойной ночи, малыши!». 20.00 Т/с «Правила маскарада». 21.50 Т/с «Таймс следствия». 22.20 «Вести с...». 23.10 «Кислород по России. Памяти Саввы Ямщикова». 0.00 «Профилактика». 1.10 «Горячая десятка». 2.20 «Честный детектив». 2.50 Т/с «Большая любовь 4». (США).

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

ЧОРШАНБА, 20

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икким» 7.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиблари». 7.20 «Кўнгли қўшиқ истаиди». 7.25 «Сунги қиролча». Т/с. 8.00 «Ахборот». 8.35 ТВ - ананс. 8.40 - 9.00 «Манавият» дастури. 9.00 «Ички дуст». М/с. 9.10 ТелеТеатр: «От йилгаган томонда» 2-қисм. 9.50 Наманган вилоят телерадиоканпаси намойиш тадири. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 «Саломат бўлинг!» 8.40 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 10.20 «Ринг қироллари». 11.20 Футбол. Жаҳон кубоги. Авлар. Финал. 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультифилм. 13.30 АНОНС. 13.35 Велоспорт. Тур де Франс. 14.25 Самбо. Жаҳон чемпионати. 15.00 АНОНС. 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири. 17.00 Сув спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.55 «Икким».

Спорт

6.00 «Хайри тонг!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!» 6.30 «Баркамол авлод». 6.50 «Кўнгли қўшиқ истаиди». 7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия». Мультифилм. 7.55 АНОНС. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 «Саломат бўлинг!» 8.40 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал. 10.20 «Ринг қироллари». 11.20 Футбол. Жаҳон кубоги. Авлар. Финал. 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 13.05 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультифилм. 13.30 АНОНС. 13.35 Велоспорт. Тур де Франс. 14.25 Самбо. Жаҳон чемпионати. 15.00 АНОНС. 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири. 17.00 Сув спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.55 «Икким».

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости 08.30 Контрольная закупка 09.00 «Жить здорово!» 09.15 «НТВ музыка» 00.30 Тунгизга хайри бўлсин! 04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро» 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости 08.30 Контрольная закупка 09.00 «Жить здорово!» 09.15 «НТВ музыка» 00.30 Тунгизга хайри бўлсин!

Россия

4.00 «Утро России». 8.05 «С новым домом!» 9.00 «О самом главном». 10.00 «Вести». 10.30 «Местное время. Вести - Москва». 10.50 «Кулагин и партнеры». 12.00 Т/с «Таймс следствия». 13.00 «Вести». 13.30 «Местное время. Вести - Москва». 14.00 «Сенсация». Т/с. 15-қисм. 13.50 «Вести. Дежурная часть». 14.05 Т/с «Ефросиния. Продолжение». 15.00 «Вести». 15.30 «Местное время. Вести - Москва». 15.55 Т/с «Все к лучшему». 16.55 Т/с «Институт благородных девиц». 17.55 «Прямой эфир». 19.00 «Вести». 19.30 «Местное время. Вести - Москва». 20.00 «Спокойной ночи, малыши!». 20.00 Т/с «Правила маскарада». 21.50 Т/с «Таймс следствия». 22.20 «Вести с...». 23.10 «Кислород по России. Памяти Саввы Ямщикова». 0.00 «Профилактика». 1.10 «Горячая десятка». 2.20 «Честный детектив». 2.50 Т/с «Большая любовь 4». (США).

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

НТВ

5.00 «НТВ утром». 7.30 «Кремлевские дети». «Дети Жукова». Эра. Элла, Маша и Марго». 8.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 9.00 «Сегодня». 9.20 «Линия 90». 9.55 «До суда». 10.00 «Суд присяжных». 10.20 «Пойтахт». /рус/. 10.30 «Супруги». 14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 15.00 «Сегодня». 15.30 Т/с «Возвращение Мухтара». 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Москва. Три вокзала». 20.30 Т/с «Час Волкова». 22.15 «Сегодня». 22.35 Т/с «Дело Крапивных». 23.20 Планета земля: «Великие равнины». 0.05 «До суда». 1.05 «Один день. Новая версия». 1.40 Т/с «Проклятый рай». 4.25 «Особо опасен!»

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

«Эшлар»

6.00 Дастуринг очилиши. 6.10 «Муҳизавий дунё». 6.40 «Каллоқ». Хажвия. 6.40 «Нустай назар». 7.10 «Кўнглиқ». Т/с. 7.40 «Эшлиқ наволарни». 8.00 Миллий сериал: «Каминанинг оиласи». 8.40 «Мультианорама». 8.50 «Сирли ўрмонча». 9.20 «Шарк гавари». 9.50 «ЎЗЕХ». 10.30 «Давр». 10.10 «Келажак ағалари». 10.30 «Осиё». Т/с. 11.20 «Немлон». 11.40 «Эшлиқ наволарни». 12.00 «Кўнглиқ». Т/с. 12.50 «Мультианорама».

(Давоми 4-бетда).

Тошкент шаҳридаги 42-хунар-техника билим юрти томонидан 1994 йил 1 июлда Исроиллов Нурмухаммад Анварович номига берилган 938 рўйхат рақамли, № 004245 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ

Сурхондарё вилояти, Ангор туманида 2010 йил 17 декабрда №133-сон билан рўйхатдан ўтган Чилнозор тумани Н.Козиробод кўчаси, 3а-уй, 37-хондонда жойлашган Х.К.«FRANGIZ-JASMINA» хусусий корхонаси (ИНН-301760074) 2011 йил 28 июндаги № 4-сонли буйруққа асосан тугатилди. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Чилнозор тумани, Н.Козиробод кўчаси, 3а-уй, 37-хондондан маънавий буйруқ қабул қилинади. Тел: +99897-787-60-44

